

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 46-ҳадис

46 - **«Абу Абдуллоҳ Хаббоб ибн Аратт розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига шикоят қилиб бордик. Каъбанинг соясида бурдаларини ёстик қилиб олган эканлар. «Бизга нусрат сўрамайсизми? Биз учун дуо қилмайсизми?» дедик. У зот шундай дедилар: «Сизлардан олдингилардан бир кишини тутиб, ердан чуқур қазилиб, ўшанга туширишар, кейин арра олиб келиб, бошига қўйишар ва икки бўлак қилинар эди, темир тароқлар билан гўштининг остидаги суякларигача тарашар эди. Лекин бу уни динидан тўса олмас эди. Аллоҳга қасамки, бу иш албатта охирига етади, хатто бир отлиқ Аллоҳдан бошқадан ёки суруви учун бўридан кўрқмаган ҳолда Санъодан Ҳазрамавтга борадиган бўлади. Лекин сизлар шошяпсизлар».**

«Абу Абдуллоҳ Хаббоб ибн Аратт розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «У зот бурдаларини болиш қилиб ётган эдилар. Батаҳқиқ биз мушриклардан озор топган эдик», дейилган.

1. 46. Абу Абдуллоҳ Хаббоб ибн Аратт розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига шикоят қилиб бордик. Каъбанинг соясида бурдаларини ёстик қилиб олган эканлар. «Бизга нусрат сўрамайсизми? Биз учун дуо қилмайсизми?» дедик. У зот шундай дедилар: «Сизлардан олдингилардан бир кишини тутиб, ердан чуқур қазилиб, ўшанга туширишар, кейин арра олиб келиб, бошига қўйишар ва икки бўлак қилинар эди, темир тароқлар билан гўштининг остидаги суякларигача тарашар эди. Лекин бу уни динидан тўса олмас эди. Аллоҳга қасамки, бу иш албатта охирига етади, хатто бир отлиқ Аллоҳдан бошқадан ёки суруви учун бўридан кўрқмаган ҳолда Санъодан Ҳазрамавтга борадиган бўлади. Лекин сизлар шошяпсизлар».

Имом Бухорий ривояти.

Бошқа ривоятда: «У зот бурдаларини болиш қилиб ётган эдилар. Батаҳқиқ биз мушриклардан озор топган эдик», дейилган.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI